



Баҳоси 3 тўйин.

Фермаларимизда ўз ичининг, катталикнинг миридан-сирғичга биладиган байдай сут соғувчилар ози эмас. Улар авайлаш, тақбирларини кўнот билан ўрганиб, фикр-мулоҳаза, таслақлардиққат билан эшитиб, фермаларда ишлана шу асосда ташкил этиш гоят ҳимдир.

Н. РИХСИЕВ

лашдан арзона тушармиш.
Билет олгангайи учун уш
судман жарима тўлаш жо-
рий қўлингач аҳвол бий
мунча ўзгарди. Лекин айри
вақтда ревизор аппаратчи
ишини кучайтириш лозим.
Контролёрларни қаердан
олиш мумкин?
— Биз, — дейди трамвай-
троллейбус бошқармаси бо-
лиги В. П. Загуменов,
контролёрларни хизматчи-
лар деб эмас, хозирги вақт-
да шундай ҳисоблашдики
балки ишчилар деб ҳисоб-
лашни тақдир отамиз. Чунки,
бу меҳнат анча машақ-
қатли, ишчиларни арзимаган
булса ҳам нопокликда айб-
латиб қўйиб ҳам ёқарди. Иш-
чи деб ҳисобласа пенсия ҳам
сақлангани мумкин бў-
ларди. Биз шундай СССР бо-
лидан ўзбекистон ИСРМ бо-
лид меҳнат комитетига му-
рожаат қылдик. Агар маса-
ла ижобий ҳал қилинса пен-
сионерларни тўла ва қис-
қартирилган иш кўни асоси-
да контролёр хизматига иш-
дашга жалб қилганда бўлар-
ди. Пенсонерлар жуда
йиғончи, чиниғарди киши-
лар.
Хар кўни ўзбекистон пой-
тахти кўчаларига минглаб
автобуслар, қатнайдагидан йўл-
ловчиларни узулгилни 250 ки-
лометрдан ортиқ бўлган 327
та трамвай, 287 та троллей-
бус чиқади. Троллейбуслар
қатнайдагидан йўлнинг узун-
лиги 225 километрни таъ-
кил этади. Давлат шаҳар
пассажир транспортни таъ-
минлаштириш ва янгилаш-
ту учун катта миқдорда маблағ-
лар сарфламоқда, хизмат
ҳақи миқдори эса ўзгармас-
дан қолаётди. У транспорт
ишини таъминлаш учун
сарфланадиган харажатлар-
ни ҳам қопламайди. Маса-
лан, хар бир йўловчининг
трамвайда танилиши ўтган
йили 9 тингига, троллей-
бусда 10 тингига тушиди.
Трамвай-троллейбус бош-
қармасига ўтган йили 15
миллион сўм дотация берил-
ди.
Афсуски, ҳудуди шундай
маъжۇмотларни аптоб
автобус

парслари бўйича аниқлашнинг имкони бўлмади. Лекин шуниси аниқки, бу ерда ҳам таъин тангахори хизмат учун тулланадиган ҳақдан кўпроқни ташкил этади. Шуларнинг ҳаммаси ҳар бир йўловчи хизмат ҳақини тўлаш ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриши учун келтирилмоқда.

Пассажир транспортининг кўпгина ҳождмлари барча турдаги транспортларга ягона хизмат ҳақи — беш тишнни тўлашни йўлга қўйишни ва фақат абонементлар билан ҳақ тўлашга ўтиш зомимлигини айтимқдалар. Улар бу турин шаҳар пассажир транспортини Бреван ва Таллин шаҳарларидаги қайи ягона ташкилотга бириштиришни ҳақ тўлаш қўйишти.

Кўпгина транспортдор фойдаланганлиги учун ўртада ҳақ миқдорини шу ўртача ҳечтириб қилиш зомим деган таъкидлар ҳам йўлга ташланмоқда. Албатта, транспортдордан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлашни қомом қилиш хизматлар қаторига қўйилса ёки бу тақлифни қандайдир бошқа йўл билан амалга оширилса, пассажирларни тегишлири учун қонтрорлар шатини савқлаб туришига, қасаслар, абонементларга ҳам ҳоикат қолмайдн, шу билан боғлиқ бўлган кўпгина ҳаражатлар қилинмайдн. Албатта, буларнинг ҳаммасини синчиқлаб ўйлаб кўриш лозим.

Бирок, юқорида тақлиф қилинганларнинг кўпчилигини, шунингдек, барча транспорт турларининг рекомат хизматини ахшиллаш нотекис йўллари ремоит қилиш, ҳайдовчиларнинг ишлаб чиқариш — манйиш паролларини ахшиллаш билан боғлиқ бўлган бошқа кўпгина — тақлифларни ҳозирги вақтда ҳам амалга ошириш мумкин.

М. МИРХАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

В. ЛОМОВИЧ,
«Ташкентская правда»нинг махсус муҳбири.

ЖАСОРАТНИ МАДХ ЭТИБ

ХАТЛАРГА ОБЗОР



уни чақириб, кечаси билан маълум зоани миналаштиришни буюрди. Ином Ғуломов билан бўлиб, бу билан 500 метр кавалдаги жойни миналаштириди. Душман ортидаги ана шу миналарга йўқиб, жуда катта талафот кўрди. Жамоатчи мухбир О. Ҳамроев ана шу жангнинг жасоратлари тўғрисида қалам тебратди.

— 1943 йил декабрь ойи,нинг охирига эди, — деб ёзади М. Аҳмедов, — Москва шаҳри учун қаршатиқ жанглар бошланди. Ортқ Холмухамедов бир неча ердан отир араланиб ҳушдан кетди. Узоқ вақт ҳарбий госпиталда даволанди, сўнг Улуғ Ватан уруши иккинчи гуруҳи инвалиди бўлиб қайтди. Ойласи учун у иккинчи бор дунёга келганди. Чунки унинг қора хат келган эди. У бутун иродасини ишга солиди. Оёққа туриб Калинин раёнидаги «Октябрь» колхозни, кейинчалик «Назарбек» совхозига ишлади. Ота ҳозир қариллик пенсиясида.

Жамоатчи мухбир Ш. Орифий Калинин раёнидаги «Истиклол» қишлоғида Самарканд Солиқнинг жангоҳларидан кўрсатган қаҳрамонликларини қаламга олиш билан бирга унинг педагогик фаолиятини, ёшларни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшаётганлигини тўқиниб ёзди.

Редакцияда Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари жасоратларини ҳикоя қилувчи жуда кўп хат-хабарлар келмоқда. Уларнинг орасида Тошкент раёнидаги А. Исажонов, Т. Дусонов, Калинин раёнидаги И. Султонов, Коммунистик раёнидаги З. Тожибоев, Ўрта Чирчиқ раёнидаги Ш. Раҳмонов, Янгйўл шаҳридаги Қ. Мўминова, Тошкент шаҳридаги А. Топилов ва бошқа жамоатчи мухбирларнинг хатлари бор. Уларни ўқиб эканмиз, ота-боболарини кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликларини кўз олдимизда гадвланди.

СОВХОЗДА ШОН-ШУҲРАТ МУЗЕЙИ

Оҳангарон раёнидаги «Олмалик» совхозига Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига катта ҳозирлик қилинган. Хўжалик марказида совхоз шон-шухрат музейи қурилмоқда. Ушбу объект Олмалик шаҳрининг 5-ремонт қурилиш бошқармаси

коллективни бунёд этмоқда. Пардозлаш ишларида С. Зинатуллоева, А. Адинова, Н. Ғабдуллин, Д. Халиуллинлар ўрнак бўлишган. Улар смена топириқларини 120 процентдан ошириб бажармоқдалар.

А. МАҲКАМОВ.



У урушнинг биринчи куниндан то Ғалабагача жанг қилди. Солдатликдан генералликка бўлган йўлни босиб ўтди.

Павел Федорович кунин неча Москвадан отир операциядан қайтиб келгандан сўнг, уч-тўрт кун ўтмай яна ишга чиқиб кетди. Табиати шунақа. Ичим туролмайди. Ёши етмишларга бориб қолган, баланд бўй, қомати тик, кўринишдан эса анча ёш, Павел Федорович билан суҳбатимиз анча қовушиб кетди.

— Уруш хотираларидан гапириб беринг, дейсани, — эътироз билдирган бўлиди истефодаги генерал-полковник, — уч неча — қундузда ҳам тамом қилолмайман. Ўйим мен сизга ҳаётимда бир умр эслан чиқмайдиган, кечатидек хотирамда муҳрланиб қолган айрим воқеалар ҳақида сўзлаб бераю.

ЛОЧИННИНГ ЎН ЕТТИ ЎЛЖАСИ

рилья ўртада, чап томонда эса учинчи эскадрилья учиб борарди. Отишманинг дастлабки дақиқаларида фашистларнинг уч самолёти қулади. Душман сафи бузилди. Улар ўртасида саросима пай-



до бўлди шекилли, сафни бузиб, турли томонга қараб таркала бошладилар. Полк командири алоқа орқали орқада душман юнери дум бўлиб олганлигини хабар қилди. Унга «Сизни тушундим» деганими билан, бундай қарасам командири билан алоқага борман деган бўлди. Алексей Панов билан алоқага борман деган бўлди.

— Минг ўққиз юз қирқ учинчи йилнинг 28 июль куни эди. Курск жангида бизнинг полкимиз ҳам қатнашарди. Қош қорайиб қолган, ҳаммаёқ сокин. Учувчилар турли ишлар билан банд. Бирини уйига хат ёза, бошқаси гармон чалиб, қўшиқ куйлапти. Бирдан командирнинг буйруғи янгради: «Хамма самолётга!» Зум ўтмай полкимиз учувчилари ҳавога кўтарилди. Фронт линиясида душманинг биздан кўра уч баравар кўп самолётларига қарши жангга кирди. Полк командири Алексей Панов ўнг томонда, мен бошқарган иккинчи эскад-

Шевелев, Владимир Латинцев, Игорь Федорук ва Степан Новичковларга Ватанимиз олий мукофоти — Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди.

— Ёшликда офицер, ёки генерал бўлишни орзу қилганимизми?

— Йўқ. Ёшлигимда бинкор бўламан деган ниятим бор эди. Мактабни тугатган ҳеч исқиланмай қурилиш техникумига ўқишга кирдим. Ўша кездари ВЛКСМ Марказий Комитетининг ёшларга қарата «Комсомоллар самолётга!» ширин кенг тарқалган. Ёшлик гуруҳим, техникумни тугатган бир неча тенгқуларим билан учувчилар бўлиб юртига қайдик. 1939 йили лейтенантлик унвонини олган. Забайкалье ҳарбий округида хизмат қила бошладим.

Павел Федорович Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ самолёт штурвалига ўтириб, душманга қарши жангга кирди. Ойир, дахшатли қирқ биринчи йилнинг ёзи ва кўзида Ленинград ҳарбий округи қўшинлари сафида душманга қирон келтирди. Қаҳрамон шахар учун жон олиб жон берганлар сафида бўлди. Урушнинг дастлабки йилларида кўрсатган жасорати учун Ленин ордени билан тақдирланди. Қирқ иккинчи йил бошларида Калинин фронти жангчилари сафида она-Ва-

таннимиз Москва учун жанг қилди. Ғарбий, жануби-ғарбий фронтларда хизмат қилганида бир неча марта душман позициялари устига учиб разведка маълумотларини келтирди.

— 1942 йилнинг июль — сентябрь ойларида Сталинград учун бўлган жангларда қатнашардим, — деб ҳикоясини давом эттирди Павел Федорович, — бу пайтга келиб юз мартадан кўпроқ жанговар учинида қатнашгандим. Эскадрильяга бошчилик қилиш билан бирга полкка келган ёш учувчиларга жанг тақрибамни ўргатардим. Полкда дўстларини менга «Омадди, учувчисан!» деб ҳазиллашарди. Мен бунга жавобан қилиб қўйолардим. Лекин улар айтгандек унчаллик омадди эмас эдим. А. Валига Ленинград осмонидан жанг қилганимда самолётим ёниб кетди. Парашютда сангар қолганига улгурдим. Сўнг Новгород областининг Пола кишлоғи яқинида яна ишқастландим. Қанча уринмай бу гал ҳам самолётимни сақлаб қололмайман. Парашютда сакрадим. Курск дугасида учинчи бор янралидим. Осмонда душман ўқи оёғини тешди ўтди. Лекин бу сафар самолётим аэродромимизга етказиб келишга муваффақ бўлди.

Павел Федорович душмани Берлинга қамаб қўшиб, уни таслим қилгунча 258

марта жанговар учинида қатнашди. Ўн етти фашист самолётини уриб туширди. Катта шонли жанговар йўлни босиб ўтган қаҳрамон учувчи ҳақида Марказий ва фронт газеталарида хабарлар босилиб чиқди. Моҳир учувчи Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузи, 2 та Ленин ордени, 6 та Қизил Байроқ ордени, битта Александр Невский, 2 та Қизил Юлдуз ордени, жуда кўп медаллар, кейинчалик эса Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Уруш тугади. Ғалаба байрами нишонланди. Ёшликда қурулган бўлишни орзу қилган Павел Шевелев бутун умрини совет халқининг тинчлигини сақлашга посбон бўлган Совет Қуролли қўчалари сафида хизмат қилишга бағишлади. Фронтдан қайтган Фрунзе номидаги ҳарбий академияга ўқишга кирди. Уни битириб қисм командири бўлиб хизмат қила бошладилар. Сўнг полк, қўшиқма ва бирлашмаларда командир бўлди. Бир неча йил Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари бўлиб хизмат қилди. Истефода чиққан республика ўрмон хўжалиги министрининг ўринбосари вазифасида ишлади. Ҳозирда Ўзбекистон ССР Автомобиль ва мотоцикл хаваскорлари кўнгилли жамоатига бошчилик қилмоқда.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида қаҳрамон учувчи ҳарбий қисмларда, турли учарушларда иштирок этиб, совет жангчилари шўжумладан, Ўзбекистон қўшинларининг урушда «кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқда.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БИРИ

Ўз умрининг қирқ йилдан кўпрогини педагогикка бағишлаган Жура Шермухамедовнинг ҳаёт йўли ибратлидир. Биринчи бор муаллим сифатида мактабга қадим босгани ҳақон эдида. Ўша кунги ўқувчан дарслардан ўзи қолганини қилди. Аммо бу қабил таллаганидан афсусланмади. Устозларини ердимида қундан-қунга малака ошира борди. Оран уч-тўрт йил ўтган ҳам қасбида педагогика советларида ёш ўқитувчининг дарс бериш методи ва иш услуби ҳақида яхши фикр-мулоҳазалар билдира бошладилар. Шу тариқа у Октябрь раёнидаги 70, кейинчалик 111-мактабларда тақриб орттириб борди, эътибор қозонди.

Малакали ўқитувчи Ж. Шермухамедов она тили ва адабиёти бўйича аввал мактабда, кейинчалик район методика кабинетига метод

бирлашма раҳбари сифатида иш жараёнида орттирган бой тақрибасини оммалаштира бошладилар.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ ҳарбий хизматга юборилди. Кичик командирлар тайёровчи курсантлар мактабни тугатган, Украина фронтдаги 52-дивизиянинг 932-ўқич полкига келди. У қуролдош дўстлари билан Белгород, Харьков йўналишларидаги жангларда қатнашди, алоҳида жасорат кўрсатди. Унинг 1943 йил ёзида кўрсатган мардлиги унутилмас бўлиб қолди.

Белград учун отир жанглар борарди. Ўрмон ичида мустақам ўрнашиб олган душман пулемётчи ротанинг ҳужумга ўтишига ҳалакат қилди. Пулемётини йўқ қилиб ташлаш тўғрисида Жура жанговар буйруқ берилди. У ўт ва тиканаклар орасидан узоқ эмаллади.

Ўқлар ёмғири бош кўтаришга имкон бермасди. Бир маҳал ҳавога қуёқ чанг-тўғроқ билан бирга ёғоч, металл парчалари кўтарилди. Пулемёт «сайрашдан тинган» эди. Бу жангдан жасорати учун Ж. Шермухамедов Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди. Кейинчалик унинг ёнига жуда кўп жанговар медаллар қўшилди.

Урушдан кейин Ж. Шермухамедов яна мактаб қўчоғига қайтди, педагогик фаолиятини давом эттирди, кўпгина шогирдлар тайёрлади.

Жура Шермухамедов жамоат ишларида ҳам актив қатнашди. У ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада турли мавзударда лекция ва суҳбатлар уюштирди, ота-оналар комитети билан ҳамкорликда кўпгина оммавий ташкилий тадбирларнинг ташаббускори бўлди. Пен-



сияга чиққандан бери «Октябрь 40 йиллиги» маҳалла комитети раисининг муовини сифатида ҳақон жамоат ишлари билан машғул, кўпчилик хизматида, 76 ёшли бу отахон умр йўлдоши — педагог Топилов ая ва қўшақўша фарзандлари билан бахтли ҳаёт кечириётган миллионлар совет оналарининг биридир.

Ф. НУРИДДИНОВ, Ўзбекистон ССР халқ шоириси а.ю.ч.и.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ОЛИМПИА РЕЗЕРВ ГРУППАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ
РЕСПУБЛИКА ҚУЎВ-МАШҚ МАРКАЗИ (бирлашмаси)

«САЛОМАТЛИК» ГРУППАЛАРИГА
ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

«ЧИГАТОЙ» СПОРТ БАЗАСИДА («Қорақамшо» массини, Зеймов кўчаси, 11-йўл).
Машғулотлар 10 майдан бошлаб ҳафтада уч марта, соат 8 дан 10.00 гача.
Машғулотларни тақрибали инструктор-методистлар олиб боришади.

«Саломатлик» группаларига ёшнинг катта-кичиклигиндан қатъий назар барча хоҳловчилар қабул қилинади.
Группаларга ёшнинг учун қийиндаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим: саломатлиги ҳақида справка, касаллик варақасидан қўчирма, 2 та фотосурат.

«Саломатлик» группаларига ёшнинг масалалари юзасидан 29-07-24 телефонига қўнғироқ қилинг.



ТОШКЕНТ
«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИНИ.САЛОНИ
«ЭЛЕКТРОНИКА 100-АС.080» АКУСТИКА СИСТЕМАСИ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

БАСКЕТВОЛ

Ленинградда I Бутуниттифок ёшлар спорт ўйналарни программасига кирувчи баскетбол мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 17 қизлар жамоатлари иштирок этиди. Республикамиз вакиллари охири босқичда Эстония ҳамда Озарбайжон командаларига ютқазиб, қирғизистонлик тенгқуларини мағлубиятга уратдилар. Умумкоманда ҳисобида ўн биринчи ўринни эгаллашди.

Бутуниттифок ёшлар спорт ўйналарни программасига кўра спортнинг 35 турли бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Ленинградда бўлган учрашув энг дастлабкисидир.

ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ

«Политотдел» колхозини стадионда СССР кубогига зона мусобақалари ўтказилди. Унда Бок, Қозон, Гродно, Запорожье, Шауляй шаҳри командалари иштирок этиди. Чим устида ўтган қизгин учрашувларда политотделчилар ўзларининг аjoyиб маҳоратларини яна бир бор намоён этишди. Улар биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Иккинчи ўрин эса Шауляйнинг «Таврас» командасига насиб этди. Энди мусобақа низомида кўра биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган командалар кубок учун мусобақаларни давом эттиришади.

ХОККЕЙ

Тошкентнинг «Бинокор» командаси биринчи лигата ўтмиш учун мусобақаларда иштирок этапти. Финал учрашувларининг навбатдаги турлари Барнаулнинг «Мотор» командасининг қабул қилинган. Қашмаҳарларимиз 7:3 ҳисобида ғалаба қозонди. Бинокорчилар энди 27 апрелда Қарағанда, 29 апрелда эса Челябинск шаҳри командалари билан майдонга чиқадилар. «Бинокор» финал турнирида ҳаммаси бўлиб уч марта ғалаба қозонди.

РЕДАКТОР Н. НАСИМОВ.

ИНДЕКС: 64864

А. 1690.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

ҲАММА СЕВГАН КЛУБ

Бундан ярим аср муқаддам комсомоллар ташаббуси билан янги спорт жамияти тузилди. Маълумки, Спорт қўчилиги, бардошлик ва мардлик каби фаилатларни ўзда мужассамлаштирган тарихий шахс. Ёшлар ўз спорт жамиятларини раъзий, маънавият унинг номи билан аташнинг лозим топишган. Шундан бери «Спартак» қатор спорт жамиятлари сингари мамлакатимизда физкультура ҳаракатининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келипти. Юбилей муносабати билан «Спартак» кўнгилли спорт жамияти республика Советининг раиси А. Икромов жамоатчи мухбирини Х. Носировга қўйди.

— Ленин ордени «Спартак» кўнгилли спорт жамияти аъзолари ўз байрамларини сафларини мустақамлашган, оммавийликни таъминлаган, маҳоратларини оширган ҳолда кўтиб олмоқдалар. Турли даражалардаги қизгин баҳсларда спортқиларини мингала мухлислар олқиш-ламоқдалар. Спортқилар Европа, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда, олимпиада ўйналарда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилимоқдалар.

Иттифоқимизда қарийб 13 миллион физкультурачи «Спартак» байроғи остида

«СПАРТАК» КЎНГИЛЛИ СПОРТ ЖАМИЯТИ 50 ЁШДА

катта-кичик мусобақаларда иштирок этапти. Тарихга муновоқат эътидан бўлсак 1935 йили Тошкент, Самарканд, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида дастлабки «Спартак» коллективлари ташкил этилди. Тошкентнинг оски шаҳар марказида қурилган биринчи стадионнинг фойдаланишга топширилиши республика спорт

ҳаётида ўзига хос тарихий воқеа бўлиб қолди. Бу спорт масансида умумўзбек хотин-қиз физкультурачилари спорт байрамининг тантанали очилиш маросими ўтказилган. Кейинги йили эса умумўзбек IV спартакиадасида Фарига Ҳасанова минг метр масофага югуришда республика чемпиони бўлди, узунликка сакрашда эса Бутуниттифок рекордини ўрнатди. У СССР спорт мастери

ри унвонига сазовор бўлган дастлабки ўзбек хотин-қизларидан биридир.

Спортқилар Буюк Ғалабага ўзларининг муносиб хиссаларини қўшишга аҳд қилиб, суронли йилларнинг жангу-жадалларидан мардонавор ўтдилар. Урушдан кейинги йилларда эса республикамизда физкультура ҳаракатини кенг қўламадири

ди. Масалан, область биринчилигида Янгибод шаҳар командаси (шаҳар спорт комитетининг раиси Ю. Семенов) қатнашмапти. Янгибод футбол командаси бир вақтлар республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этар эди.

1983 йилда Коммунистик раёнидан Янгибод шаҳри ва Свердлов номи колхоз командалари область биринчилигида иштирок этишган эди. Энди-чи? Аҳвол тамоман бошқача. Раёнида футбол ривожланиши ўрнига тобора оқсамодоқ. Район спорт комитетининг раҳбарлари бу ишга ўта масъулиятсизлик билан қарамокдалар.

Тўйғана шаҳрида ҳашар йўли билан янги стадион қурилган ва стадионнинг тантанали очилиши таассуротларни ҳали кўпчиликнинг эсида. Ҳозирда эса стадион ташкили ҳолга тушиб қолган. Бу раёндан бирор номанда оқсамод бичирилганда иштирок этамапти. Спорт активлари (район спорт комитетининг раиси Х. Умаров, «Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамиятининг раиси Б. Ким) бу камчиликлари бартараф этиш юзасидан тегишли ҳулосалар чиқаришлари лозим.

Футбол мухлислари Ўзбекистон чемпионати «Б» классидан мастерлар командасида Оқўрғон посёлкида футбол коллективини иштирок этганини яхши билишлар. Район марказида 5 минг томошабин синадиган стадион қурилди. «Б» класс катгориш ўзгартирилган бу команда ҳеч қандай мусобақаларда қатнашмай қўйди. Район раҳбарлари эса область биринчилигида вакиллик қатнашса бўлдида, деб Сегизбоев номи совхоз командасини рўйхатга киритиб қўйдилар. Район спорт комитетининг (раиси ўртоқ В. Морозов) ишни бу даражада суст ташкил қилганлигини қандай баҳолаш керак.

В. ВИШНСКИЙ, Область футбол федерациясининг масъул секретари.

ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР КЕРАК

1985 йил футбол мавсуми бошланиб кетди. СССР чемпионатининг иккинчи лигаси, 7-зонасида чемпионатинида У. Юсупов номи агро-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Соҳибдор» командаси қатнашмоқда. Ўзбекистон чемпионатидан эса янги команда — Орқоникендэ раёнининг «Бинокор» ҳамда Ангрэн шаҳрининг «Шахтёр» коллективлари иштирок этмоқдалар.

Область биринчилигида етти шаҳар ва ўн райондан 19 физкультура коллективларининг командалари баҳсларини бошлаб юбордилар. Юқорида номлари айтилган командаларнинг олдига ўз аъч ва имкониятларига қараб турли мақсадлар қўйилган. Айниқса, соҳибкорчилар олдига қийин, лекин удалласа бўладиган шарафли вазифа турибди. Улар ўз зоналарида биринчи ўринни олиш учун курашни бошлаб

юборишган. Янгйўлликларнинг дастлабки ўйналари мақсадлари сари дадил ҳаракат қилаётганликлари кўрсатиб турибди. Улар биринчи турда Термизнинг кучли «Сурхон» командасининг меҳмони бўлдилар ва 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Кейинги учрашувда Қаршиннинг «Геодез» коллективини билан 1:1 ҳисобида дуранг натижа кўрсатдилар.

Республика чемпионатида қатнашаётган «Шахтёр» ҳамда «Бинокор» футболчилари ҳам мавсумни яхши бошладилар. Ангрэнликлар Қашқадарнинг «Факел» командасини 3:0, «Бинокор» эса нукусликларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратти.

Область биринчилигида аҳвол қандай? Командалар «А» ҳамда «Б» группаларига бўлинган. «А» гуруҳига ўтган йилги область биринчилигида биринчи ўйини

қилган сажикс команда ҳамда 1984 йил Ўзбекистон чемпионатининг қатнашчилари «Бункеи» ва «Ғалабинец» коллективлари кирган. Улар область чемпионати деган шарафни «Б» ҳамда 1986 йилда республика биринчилигида қатнашди ҳудудки учун кураш олиб бордилар. Охириги ўринни олган коллектив эса «Б» гуруҳига ўтди ва «Б» гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган команда эса «А» гуруҳига аъзо бўлди. Барча ўйинлар давра системасида ўтказилди.

Областимизда 8 шаҳар ва 15 район бўлиб, область чемпионатида эса 7 шаҳар ва 10 район коллективлари иштирок этмоқда. Хўш, қолган шаҳар ва районларнинг вакиллари қани? Ана шунинг ўзи ҳамма ерда физкультура ва спортни оммалаштиришга етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсата